

А Ж Р И М

2023 йил май ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман суди ўз биносидан, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.Ваҳобов

судья ёрдамчиси – Б.Каримованинг котиблигида, Булоқбоши туман прокурорининг ўринбосари Ш.Темиров, Булоқбоши туман ИИБ Пробация инспектори А.Тўраевнинг иштирокида, Булоқбоши туман ИИБ бошлиғининг Алимов Жасурбек Низомжон ўғлини жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2022 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра,

Алимов Жасурбек Низомжон ўғли, 2004 йил 14 сентябрь куни Андижон вилояти, Булоқбоши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам судланган, вақтинча ишламайди, Булоқбоши тумани, Қумгузар МФЙ, Буюк келажак кўчасида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан судланиб, унга ушбу модда билан, ЖКнинг 84¹-моддаси тартибида, 1 йил 6 ой муддатга Андижон вилояти, Булоқбоши туман М.Исмоилий МФЙ, Мустақиллик кўчасидаги ҳовлисида кеч соат 22:00 дан 6:00 га қадар чиқишни чеклашдан тиборат бўлган озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига кўра Ж.Алимовнинг 2022 йил 15 апрель кунидан 2022 йил 21 октябр кунига қадар қамоқда сақланган 6 ой 7 куннинг ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг ҳар бир кунига тенглаштирилган ҳолда чегириб, 11 ой 23 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилган.

Тақдимномада, Ж.Алимов 2022 йил 24 ноябрь куни Булоқбоши туман ИИБ томонидан рўйхатга олинганлиги, рўйхатга олингандан сўнг инспекцияга чақиртирилиб, жазо ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилиб, бу ҳақда тилхат олинганлиги, жазо ўташ даврида маҳкум Ж.Алимов ҳуқуқбузарликлар ва қоидабузарликларга йўл қўймаганлиги, яшаш жойидаги ҳар бир тадбирларда фаол иштирок этиб келганлиги ҳамда ижобий тавсифланиши, ҳозирда ўталмаган жазо муддати 5 ой 17 кунни ташкил қилишлиги, жазонинг ярмидан кўпини ўтаб бўлганлиги сабабли уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган жазодан муддатидан олдин озод қилиш сўралган.



Маҳқум Ж.Алимов судда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини, Булоқбоши туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори томонидан жазони ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилганлигини ва бу ҳақида тилхат олинганлигини, ҳозирда Булоқбоши тумани Маданият бўлимида жазони ўтаб келаётганлигини, жазонинг ярмидан кўпини ўтаганлигини баён қилиб, ўталмаган жазодан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Булоқбоши туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Тўраев судда, тақдимномани қувватлаб, Ж.Алимовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 5 ой 17 кун озодликдан чеклаш жазосидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилишни сўради.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, Ж.Алимов суд томонидан тайинланган жазони 6 ой 6 кунини ўтаган, ўталмай қолган жазо муддати 5 ой 17 кунни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 1-қисмида, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкинлиги, ушбу модда 3-қисмининг “б” бандида эса, оғир жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, прокурор Ш.Темировнинг тақдимномани қувватлаб берган хулосасини, маҳқум Ж.Алимовнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, йиғма жилд билан танишиб чиқиб, маҳқум жазонинг ярмидан кўпини ҳақиқатда ўтаб бўлганлигини, унга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан уни суд томонидан тайинланган озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва ЖПКнинг 536, 541-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Алимов Жасурбек Низомжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўталмай қолган 5 ой 17 кун озодликдан чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Булоқбоши туман ИИБга юборилсин.

Ж.Алимовга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган



қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма кун ичида апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман суди орқали Андижон вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ш.Ваҳобов

